



## ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИГИНИНГ БЕҚИЁС НАМУНАСИ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек улуввор мақсадлар изчилик билан амалга оширилмоқда. Миллий меъморчилик ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассам этган бетакрор бино ва иншоотлар, мухташам кошоналар, улкан саройлар, муаззам майдонлар, раvon йўллар, маҳобатли кўприклар, кўркам уй-жойлар, ижтимоий объектлар бунёд этилаётгани иқтисодий барқарорлигимиз, тараққиётимизнинг муҳим кўзгусидир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида пойтахтимиз марказида бунёд этилган "Маърифат маркази" шулардан бири бўлиб, ундан Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жой олган.



Президентимиз таъкидлаганидек, бундай бетакрор бино ва иншоотларни барпо этишга эришадиганимиз Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти, куч ва имкониятлари барча соҳаларда бўлгани каби курилиш ва бунёдкорлик борасида ҳам тобора юксалиб бораётганининг яққол исботидир.

Йирик илмий анжуманлар, халқаро симпозиумлар ўтказиладиган маҳобатли сарой ўзининг кўрқу салобати, бетакрор меъморий ечими, безаклари билан нафақат минтақамизда, балки жаҳонда ҳам ноёб ҳисобланади. Мазкур мухташам сарой ўзида миллий меъморчилик ва замонавий архи-

тектура услубларини мужассам этган. Сарой деворларидаги сержило нақшлар, маҳобатли мрамор устунлар, мовий гумбаз меъморчилик бобида ҳам жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирган ажодларимизнинг асрий анъаналари давом этаётганидан далолатдир. Симпозиумлар саройининг минг

ўринли катта зали ўз салобати ва маҳобати билан ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Меъморий ечимига кўра, дунё тажрибасида ҳали учрамаган гумбаз атрофи бўйлаб жойлаштирилган 36 дераза залда кун давомида табиий ёруғлиқни таъминлайди.

(Давоми иккинчи бетда)

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни


## МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш — мамлакатимиз Конституциясининг бош мақсади, асосий тамойилларидандир. Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, барча жаҳонларни демократик янгилаш, босқичма-босқич ва изчил ислоҳ этиш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар самарасида бу эзгу мақсадлар рўёбга чиқмоқда. Йилгирма йиллик мустақил тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар, халқимиз ҳаёти, онгу тафаккурида юз берган ўзгаришлар ана шундан ёрқин далолатдир.

Президентимиз Ислам Каримов ғояси ва

раҳнамолигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси буларнинг барчаси учун мустақам ҳуқуқий асосдир. Зеро, бу муҳим ҳужжат, унда белгиланган барча қоидалар мустақил давлат сифатида танлаган йўлимизда собитқадам боришимизнинг асосий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан Конституциясининг халқимиз ҳаётида тутган ўрни, унда белгиланган қоидалар асосида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар ва уларнинг юксак самаралари хусусида суҳбатлашди.

— Конституцияимизда эътироф этилган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият экани бугун жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари таъминланаётганида ўз ифодасини топмоқда, — дейди Б.Мустафоев. — Ўтган йиллар давомида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг самарали механизми шаклланди. Истиқлол йиллари-



да давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан суд ҳокимиятини, судларнинг мустақиллигини босқичма-босқич мустақамлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Sabiq

## Қулайликлар қадрига етайлик

Бугун ҳаётимизни электр энергияси, табиий газ, иссиқлик энергияси сингари турмушни қулайлаштирадиган воситаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Оддий бир мисол: электр токига, хоҳ уйда бўлайлик, хоҳ ишхонада, албатта, эҳтиёж сезамиз.

Аммо ҳеч ўйлаб кўрганмисиз: уйимизни кундузгидай ёп-ёруғ қилаётган электр энергияси, ёздагидай ҳароратни таъминлаётган иссиқлик энергияси, оғиримизни энгил қиладиган табиий газ бизгача ўз-ўзидан етиб келаяптими? Йўқ, албатта. Бунда кечани кеч, кундузни кундуз демай, фидойилик билан меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг ҳиссаси катта. Шундай экан, электр ва иссиқлик энергиясидан, табиий газдан тўғри ва оқилона фойдаланиш, ҳақини ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз

ҳисобланади.

Буни қарангки, айрим кимсалар хатто ўзлари фойдаланган электр, иссиқлик энергияси ва табиий газ ҳақини тўлашдан ҳам бўйин товлайди, устига-устак баъзилар улардан фойдаланиш қоидаларига амал ҳам қилмайди. Бу эса, нафақат электр ва газ исрофгарчилигига олиб келади, шунингдек, техника хавфсизлиги қоидалари бузилгани боис, қоидабузарнинг ўзи ва ўзгалар ҳаёти учун хавф ҳам туғдиради.

(Давоми учинчи бетда)

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар кенг кўламлилиги, жамиятни тубдан янгилашга йўналтирилганлиги билан улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, ушбу ислоҳотлар замирида инсон манфаатлари устуворлиги мужассамдир.

Fuqarolik qonunchiligi

## УЙ-ЖОЙ НИЗОЛАРИ УЛАРНИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРДА КЎРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Айтиш керакки, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Айни пайтда мамлакатимизда уй-жой муносабат-

ларини тартибга солувчи Уй-жой кодекси, Шаҳар-созлик кодекси ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ривожланган давлатларнинг ушбу йўналишдаги қонунчилик тажрибаси ва амалиётини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжатларда фуқаролар, давлат идоралари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг уй-жой муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган.

Таъкидлаш жоизки, Уй-жой кодекси меъёрларини суд амалиётида татбиқ қилиш, уй-жойлар билан боғлиқ низоларни тўғри ва адолатли ҳал этишда Олий суд Пленумининг «Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб барча соҳаларни ривожлантиришга, шу жумладан, мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлган минерал хомашё ресурсларидан фойдаланиш, ер ости бойликларини муҳофаза қилишга ва геология-қидирув ишларини ташкил этишга ҳам катта эътибор қаратилиб, пировардида ушбу соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва улкан ютуқларга эришилмоқда.

Yangi qonun mohiyati

## САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИ

ҳуқуқий асослар такомиллаштирилиши туфайли янада юксалмоқда

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда геология тармоғи давлат тузилмаси сифатида муваффақиятли ривожланиб, турли фойдали қазилма бойликларининг янги захираси аниқланиб, босқичма-босқич ўзлаштирилаётганлиги кенг кўламли ислоҳотларни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, замонавий қимматбахо минерал хомашё ресурсларига бойлиги халқ ҳўжалигини тубдан ўзгартириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган тар-

моқларини ривожлантиришга имкон беради.

Мамлакатимизда ушбу соҳага Президентимиз раҳбарлигида геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш, мажбур ер ости захира бойликларини аниқлашда янги замонавий техникалардан фойдаланиш, қазилма бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлашга чет эл инвестицияларини жалб қилишга катта аҳамият берилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Халқимиз ҳар йили 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинган кунни кўтаринки руҳ билан қарши олади ва тантанали нишонлайди. Албатта, бу тадорик бежиз эмас: 1992 йил айна шу санада мамлакатимизда халқимизнинг инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлиги тантанали равишда эълон қилиниб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга азму қарор қилинди.

Etirof

## ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ АСОСИ

Дарҳақиқат, халқимиз бу санани юксак ифтихор билан нишонлайди. Зотан, Конституция ҳар кун, ҳар лаҳзада биз билан бирга. У тонг билан хонадонимизга кириб келади. Кун бўйи қиладиган ишларимизга тўғри йўл кўрсатади, вужудимизга тетиклик, ҳаракатларимизга шиддат ва жўшқинлик бағишлайди. Биз бундай ишончли ҳимояни, меҳрни йил сайин, кун сайин яққолроқ сезиб бораёلمиз.

— Конституциямиз берган кафолатлар туфайли бугун эркин фаолият юритаялгимиз, фаровон яшаёلمиз, — дейди нарпайлик

тадбиркор Суннатулла Орзикулов. — Ота-боболаримиз бундай доруламон кунларни орзу қилишган, холос. Ҳозирги ёшлар айтсам ишониммайди, шўро даврида бир қўшимизнинг пишиқ гиштдан уй қургани учун қамалиб кетганига ўзим гувоҳ бўлганман.


Суннатулла ака давлатимиз мустақилликка эришгач, тадбиркорликка биринчилардан бўлиб қўл урди. Бугун унинг «Зарафшон» қурилиш материаллари хусусий корхонасида 300 нафарга яқин ишчи меҳнат қилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

## ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим босқичига айланди



Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёт йўлини мужассам этган муҳим устувор вазифалар аниқ белгилалиб олинди ва ўтган вақт мобайнида изчилик билан амалга ошириб келинмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

**(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)**

Таъкидлаш жоиз, халқимизнинг дунёқараши, ҳуқуқий маданияти тобора ошмоқда. Бугун одамларнинг фикрлаши йиғирма йил олдинги ҳолатдан бутунлай фарқ қилади. Бу суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш жараёни изчил давом этиб, аҳолининг ҳуқуқий оғи ва маданияти юксалиб бораётганида ҳам намоён бўлмоқда. Аини шу жиҳатлар сўнги йилларда мамлакатимизда ўтказилган соҳага оид қатор халқаро анжуманларда нуфузли экспертлар, хорижлик мутахассислар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.

Судларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар суд ҳокимиятининг мустақамлалишига, қонун устуворлиги ва адолат тамойилларининг қатъий қарор топишига хизмат қилаётди. Жумладан, судлар ихтисослаштирилди, кассация институти ислоҳ этилди, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди, ишларни қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий қилинди, суднинг барча босқичларида томонлар тенглиги таъминланмоқда. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилгани ҳар бир ишни малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш самарадорлигини сезиларли даражада оширди.

2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосининг бекор қилинган мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим босқичи бўлди ва бу халқаро миқёсда юксак эътироф этилди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш жараёнида кўпга жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди, яъни оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

**— Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор йўналишларнинг амалга оширилиши, янги қонунчилик ташаббусларининг юртимиз тараққиётидаги аҳамияти хусусида тўхталиб ўтсангиз.**

Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Шу маънода мазкур Концепция мамлакатимизда амалга оширилаётган тўз ўзгартишлар, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг том маънода янги босқичини бошлаб берди. Концепцияда «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, суднинг ҳолислиги, бетарафлигини таъминлаш механизмининг янада ривожлантириш, суд жараёнида ўзаро тортишув принципини кучайтириш, жиноий қонунчиликни либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий оғи ва маданиятини оширишга қаратилган муҳим қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган. Мазкур ташаббусларнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилинаётгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари тўла ижро этилаётганидан далолатдор.

Бугун мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг таъминлаш йўлидан бормоқда. Бу жараёнда инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш ҳамда суд ҳокимиятининг мустақиллиги таъминлаш орқали унинг ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти бардо этишдаги ролини ошириш тобора долзарб аҳамият касб этаётди. Концепция асосида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг навбатдаги босқичи ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Буларнинг барчаси мамла-

катимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасини янада либераллаштириш, қонунийлик ва қонун устуворлиги принципларининг жамиятда мустаҳкам қарор топаётгани ифодасидир.

**— Конституциямизда белгиланган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи мамлакатимиз тараққиётида, ҳаётини зарур қонунлар яратилишида қандай аҳамият касб этмоқда?**

Конституциямизда демократик тамойиллар ўзининг теран ифодасини топангани унда бир қатор давлат органларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Асо-

чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонун маъқулланди.

Мазкур Қонун фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, адвокатур институтининг макромини ва ролини янада ошириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароит яратилишига қаратилган. Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатига ушбу ўзгартишларнинг киритилиши юридик маълумотга ҳамда юридик хизматлар кўрсатиш учун тегишли лицензияга эга бўлмаган шахслар томонидан фуқаролар ишончини суиистеъмол қилиш ҳамда

низоларни суддан ташқари тартибда, ҳолис воситачи кўлмағида, томонларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал этиш имконини бермоқда. Хусусан, 2006 йилда қабул қилинган ҳамда 2007 йилнинг 1 январидан кучга кирган «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун бу борада муҳим қадам бўлди.

Ҳакамлик судлари адолатли судлов сифатини ошириш, фуқаролик ва ҳўжалик ишларини кўриб чиқиш мuddатларини ва ортқча процедураларни қисқартириш имконини бермоқда. Мамлакатимиз умумюрисдикция судлари томонидан одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатлари-

ни ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2011 йилнинг 9 ойи мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 257 миңга яқин фуқаролик ишлари, 1 миллион 220 миңдан ортқ суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризалар кўриб чиқилди. Суд буйруғи чиқарилган аризалар бўйича 424 миллион сўмдан зиёд маблағларни ундириш белгиланди. Фуқаролик ишларининг 90,4 фоизи бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилди, шундан 95,2 фоиз иш бўйича даъво қаноатлантирилди.

Жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар амалиётда ўз самарасини бермоқда. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари амалга жорий этилгандан буён 140 миллион сўмдан ортқ моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 20 миң нафарга яқин шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

**— Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканига оид қонун Конституциямизда белгилаб қўйилган. Чунки халқимиз фақат мустақиллик туфайли ушбу ҳуқуққа эга бўлди...**

Дарҳақиқат, Асосий Қонунимизнинг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлиги қатъий белгиланган. Бу халқимиз ҳеч қимдан кам бўлмаган шарт-шароитда, фаровон яшашни, ўз меҳнатининг роҳатини кўриши учун берилган катта имкониятдир. Маълумки, собиқ тузум давридаги Жиноят кодексига оғир турдаги ҳамда мансабдорлик жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан барча ҳолатларда мол-мулкни мусодара қилиш билан боғлиқ жазо қўллаш белгиланган эди. Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз Конституциясида хусусий мулк дахлсиз эканлиги қатъий мустаҳкамлаб қўйилди ва жиноий жазо тизимининг инсонпарварлик тамойилларига мутлақо эид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури қиқариб ташланди. Истиклолимизнинг дастлабки қуларидан халқимиз бунёдкорлик ва яратувчилик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кенг ҳуқуқий йўл очилди. Ҳалол йўл билан мулкка эга бўлиш, қонуний асосда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча

шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. Бугунги кунда мамлакатимиз ялли ички маҳсулотининг 50 фоиздан зиёди кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Иш билан банд бўлган аҳолининг 74 фоизи айнан шу соҳаларда фаолият юрймоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинган Конституциямиз мазкур моддасининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ва халқимиз фаровонлиги ошишига хизмат қилаётганининг яна бир амалий тасдиғидир.

**— Шу ўринда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, судлар томонидан тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоялашга оид ишлар ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз.**

Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, юртимизда янада кенг ишбилармонлик муҳитини яратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аини пайтда тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотлари изчил давом эттирилатирилади. Бу суд органлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Президентимизнинг 2005 йилнинг 14 июнда имзоланган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш таъминлаш мақсадида 2005 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибида амалга оширилиши белгиланди.

Жорий йилнинг 22 апрелидан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юретишга оид Ўзбекистон Республикасининг Ҳўжалик процессуал кодексига ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ҳуқуқий таъсир чоралари фақат судлар томонидан қонунда белгиланган аниқ процессуал тартиб-таомиллар асосида қўлланилиши тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини мустаҳкам кафолатлаш, иқтисодиёт соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашда умумюрисдикция судлари томонидан кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2011 йилнинг 9 ойи давомида 149 нафар тадбиркор фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилган бўлса, шундан 144 нафар тадбиркорнинг даъвоси қаноатлантирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 4 апрелда имзоланган «Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашушга барҳам бериш, бундай ҳолатларга йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари кўриш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган.

Мамлакатимиз ўз мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига эш бўлган ҳуқуқий кафолатлар жаноий жазо тизимининг инсонпарварлик тамойилларига мутлақо эид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури қиқариб ташланди.

Истиклолимизнинг дастлабки қуларидан халқимиз бунёдкорлик ва яратувчилик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кенг ҳуқуқий йўл очилди. Ҳалол йўл билан мулкка эга бўлиш, қонуний асосда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча

шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. Бугунги кунда мамлакатимиз ялли ички маҳсулотининг 50 фоиздан зиёди кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Иш билан банд бўлган аҳолининг 74 фоизи айнан шу соҳаларда фаолият юрймоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинган Конституциямиз мазкур моддасининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ва халқимиз фаровонлиги ошишига хизмат қилаётганининг яна бир амалий тасдиғидир.

**— Шу ўринда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, судлар томонидан тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоялашга оид ишлар ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз.**

Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, юртимизда янада кенг ишбилармонлик муҳитини яратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аини пайтда тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотлари изчил давом эттирилатирилади. Бу суд органлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Президентимизнинг 2005 йилнинг 14 июнда имзоланган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш таъминлаш мақсадида 2005 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибида амалга оширилиши белгиланди.

Жорий йилнинг 22 апрелидан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юретишга оид Ўзбекистон Республикасининг Ҳўжалик процессуал кодексига ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ҳуқуқий таъсир чоралари фақат судлар томонидан қонунда белгиланган аниқ процессуал тартиб-таомиллар асосида қўлланилиши тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини мустаҳкам кафолатлаш, иқтисодиёт соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашда умумюрисдикция судлари томонидан кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2011 йилнинг 9 ойи давомида 149 нафар тадбиркор фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилган бўлса, шундан 144 нафар тадбиркорнинг даъвоси қаноатлантирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 4 апрелда имзоланган «Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашушга барҳам бериш, бундай ҳолатларга йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари кўриш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган.

Мамлакатимиз ўз мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига эш бўлган ҳуқуқий кафолатлар жаноий жазо тизимининг инсонпарварлик тамойилларига мутлақо эид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури қиқариб ташланди.

Истиклолимизнинг дастлабки қуларидан халқимиз бунёдкорлик ва яратувчилик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кенг ҳуқуқий йўл очилди. Ҳалол йўл билан мулкка эга бўлиш, қонуний асосда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни**

# Мустақил тараққиёт йўлимизнинг ишончли кафолати



сий Қонунимизнинг 83-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳам қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўзбў конституциявий ҳуқуқдан самарали фойдаланиб келмоқда. Олий суд томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238<sup>2</sup>-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 389-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонунлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 27 мартда бўлиб ўтган ўн учинчи ялли мажлисида маъқулланди.

**«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238<sup>2</sup>-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг асосий мақсади — коммунал хизматлар истеъмолчилари бундай хизматлар тўлови бўйича қарзларини вақтида тўлашини ҳамда ҳодимларга ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақи иш берувчилар томонидан вақтида тўлашини таъминлашга, шунингдек, коммунал хизматлар тўлови ва иш ҳақи бўйича қарзларни ундириб олиш тартибини соддалаштиришга қаратилган.** Қонун асосида суд буйруғи чиқаришда асос бўладиган талаблар рўйхати кенгайтирилди.

Юқорида номи қайд этилган иккинчи қонун асосида Жиноят-процессуал кодексининг 389-моддасига киритилган ўзгартишга мувофиқ гиҳвандлик воқиталари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга ҳилоф равишда сотишга оид жиноятлар юзасидан жиноят ишларини кўриб чиқиш Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларидан жиноят ишлари бўйича туман ва шаҳар судлари судловига ўтказилди. Натижада судлар томонидан қабул қилинаётган суд қарорларининг қонунийлиги, асосли ва адолатлилигини юқори суд инстанцияларида атрофлига текшириш имконияти янада ошди.

Олий Мажлис Сенатининг 2009 йил 28 августда бўлиб ўтган ўн тўқизинчи ялли мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб

уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига жиддий зарар етказишнинг олдини олишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини инсонпарварлик тамойилларининг қарор топиши, суд органларининг қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашдаги ўрни ва ролини ошириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

Фуқароларнинг судларга бўлган ишончи тобора ошиб бормоқда. Чунки бугун суд ҳокимияти собиқ тузумда бўлгани каби қатоган қуроли ва жазолаш воситаси эмас, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айланди.

Қайд этиш жоиз, ўтган йиллар давомида суд ҳимояси самарадорлиги сезиларли ошгани ва суд амалиётида инсонпарварлик тамойиллари кучайтирилгани, шубҳасиз, ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун устуворлиги тамойилининг қарор топишида муҳим ўрин тутмоқда.

Мамлакатимизда 2001 йилдан ярашув институтининг жорий этилгани ҳам қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётди. Кўп асрлик миллий қадриятларимиз ҳамда халқимизга хос бағрикенглик, олижаноблик каби инсоний фазилатларга асосланган ушбу институтнинг Ўзбекистонда самарали қўлланилаётгани ҳақон ҳамжамайти томонидан кенг эътироф этилаётди.

Ушбу институт амалга жорий этилгандан буён ўтган давр ичида 121 миң нафардан ортқ шахсга нисбатан бўлган жиноят ишлари ярашув асосида тугатилган. Бугунги кунда мамлакатимизда 53 жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилгани ҳам мамлакатимизда инсонпарварлик тамойилларининг нақадар мустаҳкам қарор топаётгани ифодасидир.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига етказилган моддий зарарнинг ўрни қоплаган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тартибидаги жазо қўлланилишига ҳақидаги қонунлар киритилди.


Суд амалиётига медиация институтининг жорий этилиши

**Iftixor**

# Халқимиз бунёдкорлигининг беқиёс намунаси

**(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)**

Зал асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебеллар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган. Барча компьютерлар интернетга симсиз уланган.



Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган кўпга маърифат масканлари барпо этилмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ана шундай замонавий қошонага жойлаштирилган ҳам мамлакатимизда маънавият ва маърифат ривожини йўлида кўрсатилган улкан ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир намоиши бўлди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мамлакатимизда миллий ва жаҳон маданиятини, фан ва таълимни ривожлантириш йўлида ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этуви ва амалга оширувчи универсал ахборот-кутубхона муассасаси ҳисобланади. Миллий кутубхонамизнинг бой ва нодир ахборот-кутубхона фонди маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ахралмас қисmidир.

Кутубхонанинг янги биносидан китоблар музейи, ўқув заллари, китоблар дўкони, киномарказ, интернет ва медиамарказ, болалар хонаси, дам олиш хоналари ўрин олган. Янги бино замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, автоматлаштирилган яхлит ахборот-кутубхона тизимига эга. Ахборот-кутубхона фондини белгиланган меъёрлар асосида сақлашнинг автоматлаштирилган тизими мавжуд.

Кутубхонанинг ўқув залларига электрон каталог, интернет ва электрон маълумотлар базасига уланган компьютерлар ўрнатилган. Илмий ходимлар, нота-музыка нашрлари, тадқиқотчилар учун алоҳида қўлайликлар яратилган.

Азим пойтахтимиз чиройига чирой қўшган «Маърифат маркази» ўзбек миллий шаҳарозлик мактабининг яна бир ёрқин намунаси бўлиб қолади. Бу муаззам обида буюк аждодларимиз бунёд этган боқий обидалар сингари Ватанимиз шухратини оламга ёйишга, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларимиз ҳеч қимдан кам бўлмаган шарт-шароитларда ўқиб-изланиши ва қамолга етишига хизмат қилади.

Муаттархон РЎЗИБОВА

**E tirof**

# Фаровон ҳаётимиз асоси



**(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)**

Фақат ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш мақсадида 20 йил ичида 200 дан ортқ қонун қабул қилинди. Бу борада Президентимизнинг ўнлаб фармонлари, Вазирлар Маъжасининг қарорлари чиқди, — дейди Суннатулла ака. — Бу ишларнинг барчаси Конституциямизнинг 14-моддасидаги «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини қўллаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади» деган тамойил ҳаётимиздан ўзининг аниқ ифодасини топаётганининг ёрқин тасдиғидир.

Сўхбатдошим корхонасининг иқтисодий кўрсаткичлари ўсишини таҳлил қилиб берди. Гишт заводида бир йилда бир миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Давлатимиз раҳбарининг де-ворбop корхоналарини солиқдан озод қилиш тўғрисидаги қароридан кейин 150 миллион сўм ўз икитирида қоляпти. Бу маблағ янги йилдан буён технологик янгилашларга йўналтирилмоқда. Натижада шу даврда ойлик маош миқдори 20 фоизга ўсди. Қурилиш ишлари бошлангач, беш ўн нафар ҳамқишлоқларини иш билан таъминлади.

Юқорида Асосий қонунимиз биз билан ҳар сонияда бақамтидир, дедик. Бу фикр иботини Суннатулло Оразқулловнинг хонадонини мисолида ҳам кўриш мумкин. Биринчидан, фаровон турмуш учун барча шарт-шароит яратилган (14-модда). Ховлида ховуздан тортиб, ҳаммом, кутубхона, меҳмонхона, гаражгача бор. Бир сўз билан айтганда, шароит шаҳардагидан қолишмайди. Иккин

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Геология-разведка ишларини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, фойдала қазилмалар саноат захиралари ва қазиб олишни кўпайтиришни таъминлайдиган минерал хомашё ресурслар базасини илдам ривожлантириш каби пировард натижаларга йўналтирилган геологик қидирувларни олиб боришни жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш, республиканинг реал иқтисодиёти етакчи базавий тармоқларини барқарор ривожлантириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида 2010 йил 27 августда давлатимиз раҳбарининг «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг 6-бандига мувофиқ, давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси хузуридаги фойдала қазилмалар захиралари бўйича Давлат комиссияси тугатилди ва унинг ўрнига Вазирлар Маҳкамаси хузурида фойдала қазилмалар захиралари бўйича Давлат комиссияси тuzилди.

Мазкур қарорнинг 7-бандига мувофиқ эса, Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси («Саноатконтехназорат» ДИ) — Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси («Саноатгеоконтехназорат» ДИ) этиб қайта ташкил қилинди ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси хузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш устидан давлат назорати Бошқармаси унинг таркибига киритилди.

Мамлакатимизда ушбу соҳани янада ривожлантириш борасидаги ислохотлар давом эттирилиб, Олий Махлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йилнинг 16 июнида «Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Пирова

врд натижаларга йўналтирилган геологик қидирувларни олиб боришни жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш, республиканинг реал иқтисодиёти етакчи базавий тармоқларини барқарор ривожлантириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида 2010 йил 27 августда давлатимиз раҳбарининг «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

**Yangi qonun mohiyati**

# Саноатимиз салоҳияти

**хуқуқий асослар такомиллаштирилиши туфайли янада юксалмоқда**

VI ялпи мажлисида маъқулланди ва шу йилнинг 10 сентябрида матбуотда эълон қилиниб, кучга кирди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 97, 98 ва 260-моддаларига, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунларга, Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги 232-сонли қарори билан тасдиқланган «Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида»ги Низомга «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ва Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фойдала қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси номларини алмаштириш борасида ўзгартиришлар кири-

тилди. Қонуннинг 1-моддаси билан «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, са-

назорат қилиш» деган сўзлар «ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилди.

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги, 17-моддаси иккинчи қисмидаги, 29-моддаси матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси хузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилди.

Бундан ташқари ушбу қонуннинг 28-моддаси учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилди. «Кон ажратмалари Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан берилди».

«Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддаси номи ва матнидаги «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг» ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, «Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун мамлакатимиз бозор муносабатлари шароитида геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, сифатли, рақобатбардорш маҳсулотлар яратилиши, пировардда иқтисодиётимиз барқарорлигига замин яратади.

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 27, 30, 41, 44-моддаси иккинчи қисмидаги ва 73-моддаси биринчи қисмидаги «саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини

назорат қилиш» деган сўзлар «ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилди.

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги, 17-моддаси иккинчи қисмидаги, 29-моддаси матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси хузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилди.

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги, 17-моддаси иккинчи қисмидаги, 29-моддаси матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси хузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилди.

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги, 17-моддаси иккинчи қисмидаги, 29-моддаси матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси хузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилди.

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги, 17-моддаси иккинчи қисмидаги, 29-моддаси матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси хузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилди.

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги, 17-моддаси иккинчи қисмидаги, 29-моддаси матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси хузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилди.

**Отабек МИРЗАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти хузуридаги Амалдаги  
қонун ҳужжатлари  
мониторинги институти  
етакчи илмий ходими

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Уй-жой кодексининг 32-моддасига кўра, уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидир. Бушажлар уй-квартиранинг мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Уй, квартиранинг мулкдори билан унинг собиқ оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар ўртасида тураржойдан фойдаланиш тартиби тарафлар келишуви билан белгиланади.

Айтиш керакки, судлар томонидан уйда киритиш ҳақидаги низоларни кўришда тарафларнинг қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлиги, унинг мулкдори билан ўзаро келишувга асосан уйда киритилганлиги ва уй-жойда рўйхатдан ўтказилганлиги масалалари алоҳида синчковлик билан аниқланмоқда.

Масалан, давogar Х.Матмуоева судга давво аризаси билан мурожаат қилиб, жа-

**Fuqarolik qonunchiligi**

## Уй-жой низолари уларни фуқаролик ишлари бўйича судларда куришнинг хусусиятлари

вобар Л.Матмуоева билан қонуний турмуш қурганлиги, низоли уй-жойда биргаликда яшаб келишганлиги, турмушлари давомда бир нафар фарзандли бўлишгани, ўзаро келишмовчиликлар сабабли ажрашиб кетишганлиги, бир нафар фарзанди жавобгар қарамогида қолганлигини билдириб, низоли уйга киритиб қўйишни сўраган. Биринчи инстанция суди тарафларнинг қонуний никоҳдан ўтиб турмуш куриб, умумий рўзгор юритишгани ҳолатини ўрганиб чиқиб, даввони қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган. Кассация инстанция суди томонидан эса ҳал қилув қарори ўзгартиришсиз қолдирилган. Аксарият ҳолларда эса, даввогарни қо-

нуний никоҳда эмаслиги, даввогарнинг жавобгар билан оилавий муносабатлари тугатилганлиги, даввогарнинг низоли уй-жойда рўйхатда турмаслиги ва бошқа асослар сабабли давво аризалари қаноатлантирилмасдан қолдирилмоқда.

Масалан, даввогар А.Думаева судга давво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар А.Уринбоевга нисбатан уй-жойга киритиш қўйишни сўраган. Ўз навбатида А.Уринбоев судга даввогар А.Думаеванинг тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топишни сўраб қарши бўлган тақдирда. Биринчи инстанция суди давво талабини рад қилиб, қарши даввони қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган.

**Islohot va samara**

# Қонунчиликнинг такомиллаштирилиши мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимидagi кенг кўламли ислохотларнинг муҳим босқичига айланди

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Мазкур жараёнда суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилган тизимли ва исчиқ ислохотлар муҳим ўрин эгаллайди. Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Парламент палаталарининг қўша мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, жинойий-хуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди. Ушбу соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар, хусусан, 2001 йилда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этганини ишонч билан таъкидлаш лозим.

Дарҳақиқат, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш, шунингдек, мазкур турдаги жиноий қилмишларни содир этган шахсларни жамиятдан, хусусан, яқин кишиларидан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш им-

кони яратилди. Айтиш керакки, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тарихисидagi жазо қўлланимаслиги ҳақидаги Жиноят кодексининг 11 та моддасига киритилган мейёрларнинг амалда қўлланилиши муносабати билан шу пайтга қадар жиноят ишлари бўйича Фаргона вилояти судлари томонидан минг нафардан ошқ шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари тайинланди ва қарийб 13 миллиард сўм миқдордаги моддий зарар қопланишига эришилди.

Масалан, С. Исмоилов 2009 йил август ойининг бошларида ОАТБ «Алоқа банк» Фаргона вилояти филиали етакчи мутахассиси А. Каримов, Фаргона шаҳридаги «Гуз.Роб.Дос» хусусий фирмаси норасмий раҳбари М. Юсупов ҳамда Дангара туманидаги «Билтур Транс Файз» хусусий корхонаси раҳбари М. Кулижоновлар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, «Гуз.Роб.Дос» фирмасига ошхона жиҳозлари ва курилиш маҳсулотлари сотиб олиш учун ОАТБ «Алоқа банк» Фаргона вилояти филиали томонидан ажратилган 150,000,000 сўм кредит маблағининг 50 миллион сўмини нақдлаштириш йўли билан талон-торож этишни кўзлайди. Жиноий режага кўра, банк билан «Гуз.Роб.Дос» хусусий фирма-

боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган мазкур мейёрларни амалиётда тўғри ва бир хилда таъбиқ этишни таъминлашда Олий суд Пленумининг «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонуний иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори муҳим аҳамият касб этганлиги алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ушбу қарорда иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни судларда кўришда айбдор шахсларнинг ҳаракатларига хуқуқий баҳо бериш ва квалификация қилиш, уларга жазо тайинлаш, етказилган моддий зарарни ундириш, қопланган моддий зарар миқдорини инобатга олиш каби масалалар юзасидан батафсил тушунтиришлар берилган бўлиб, қарор ягона суд-тергов амалиётини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи қонун мейёрларини такомиллаштириш мазкур турдаги жиноятларга қарши янада самарали курашишда муҳим омил бўлишини назарда тутган ҳолда бу борада айрим мулоҳазаларни билдириб ўтишни лозим топдик.

Маълумки, Жиноят кодексининг 167-моддасида ўзлаштириш ёки растрота қилиш йўли билан талон-торож этиш жинояти учун жавобгарлик белгиланган. Амалиётда мазкур турдаги жиноятлар, аксарият ҳолларда, мансаб сохтакорлиги йўли билан содир этилишини инобатга олиб, Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисмини «д» мансаб сохтакорлиги йўли билан содир этилган бўлса» жумласи билан тўлдириш мақсадида мувофиқ деб ўйлаймиз. Яъни мансаб сохтакорлиги ушбу турдаги талон-торож қилишнинг усули сифатида амалга оширилган ҳолларда, айбдор шахсни Жино-

ят кодексининг 167-моддаси билан жавобгарликка тортиш лозим. Шунингдек, мансаб сохтакорлиги содир этилган (туғалланган) талон-торожликни яшириш мақсадида амалга оширилган бўлса, айбдор шахсининг ҳаракатларини жиноятлар маҳжум бўлишга квалификация қилиш мақсадида мувофиқдир.


Шунингдек, Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «г» бандида компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиш содир этилган ўзлаштириш ёки растрота қилиш йўли билан талон-торож этиш учун жавобгарлик назарда тутилган. Фикримизча, жиноят қонунчилигининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб ҳамда замонавий фан-техника тараққиётини инобатга олиб, Жиноят кодексининг 8-бўлимида «компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиш» тушунчасига батафсил изоҳ бериш зарур. Эеро, ҳар қандай ҳолларда ҳам муайян компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этилган талон-торож жиноятнинг зарурий оғирлаштирувчи белгиси сифатида тан олиниши мумкин эмас. Бунда айнан қандай ҳолларда, жоиз бўлса, қайси турдаги техник воситалар ва усуллардан фойдаланиш жиноятнинг оғирлаштирувчи белгиси ҳисобланишига аниқлик киритиш керак.

Хулоса ўринда шун таъкидлаш жоизки, юртимизда амалга оширилган ислохотлар, хусусан, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг тизимли такомиллаштирилганлиги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, халқимиз тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Робожан МАХМУДОВА,**  
жиноят ишлари бўйича  
Фаргона вилояти судининг  
раиси

**Saboq**

# Қулайликлар қадрига етайлик



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Албатта, қонунчиликда бундай ҳуқуқбузарликка нисбатан жавобгарлик белгиланган. Масалан, Жиноят кодексининг 185-2-моддасига биноан, электр, иссиқлик энергияси, табиий газ ва сув тарқатмоғидан фойдаланиш қоидаларини бузиш тегишли тартибда жазога тортилишга сабаб бўлади.

«Уйланмай қилинган иш — бошга келтирар ташвиш», деб бежиз айтишмаган. Жарқўрган тумани «Янгиобод» маҳалласида яшовчи Б. Худойбердиева Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари тўғрисида»ги қарори талабларини бузиб, электр энергиясига ўзбошимчилик билан улашиб олгани ва моддий зарар етказганлиги учун қилмишига яраша жазоланди. Шунингдек, бундай қоидабузарлар сирасига тумандаги «Пахтазов» маҳалласида яшовчи Ж. Сариев, «Янгиобод» маҳалласида

истиқомат қилувчи Р. Тошболтаев, «Н.Боймуродов» номидаги маҳаллада яшовчи Д. Холмуродовни ҳам киритиш мумкин. Фақатгина ўзларининг манфаатини ўйлаган бу кимсалар электрдан фойдаланиш қоидаларини қўл тарзда бузганликлари учун қилмишларига яраша жазо олишди.

Холбуки, қонунга таъйиб иш юритган киши ҳеч қачон қоқилмаганидек, қондан писанд элмаган кимса ҳам қинғир мақсадига эришолмайди. Муҳими, ўзи фойдаланаётган иссиқлик энергияси, табиий газ сингари неъматларнинг ҳақини вақтида тўлайдиган кишининг виждони тоза, кўнгли хотиржам бўлади. Электр энергиясига ўзбошимчилик билан ўғринча уланадиган, ишлатилган табиий газ ҳақини тўлашдан қочиб, беҳаловат юрадиган кимсалар бу ҳақда ўйлаб ўришмаса, фойдадан холи бўлмасди.

**Зокир ШОНИЕЗОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Кумқўрган тумани  
судининг раиси

**Muloqot**

## Газетхон савол беради...

Айтиш-чи, фуқарога мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган тураржойни шартнома бўйича ижара олувчининг ҳуқуқлари нималардан иборат?

**Ш.НИЁЗОВ,**  
Шайхонтохур тумани

— Уй-жой кодексининг 33-моддасига мувофиқ, фуқарога мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уйдан, квартирандан тураржойни ижарага олувчи ўзи ижарага олган хонага уй, квартира мулкдорининг розилигидан қатъи назар, вояга етмаган фарзандларини, агар у алоҳида хонага эгалламаётган бўлса ва ижарага ёки ижарага бериш шартномасида бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, шунингдек, эри(хотини) ва меҳнатга қобилиятсиз вояга етган фарзандлари ҳамда ота-онасини кўчириб киритиш ҳуқуқига эга. Фуқарога мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй, квартирадаги тураржойни ижарага олувчи билан бирга яшаётган оила аъзолари ижарага бериш шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга ижарага олувчининг ўзи билан тенг равишда эга бўлади.

Бошқа фуқароларни фақат уй мулкдорининг розилиги билан кўчириб киритиш мумкин ва ижарага олувчи томонидан ўз оила аъзоси сифатида кўчириб киритилган ушбу фуқаролар, агар кўчириб киритишда улар ўртасида бошқа халқчилик бўлмаган бўлса, ижарага олувчи ҳамда унинг бошқа оила аъзолари билан тураржойдан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эга бўлади.

Ижарага олувчи, ижарага берувчининг (мулкдорнинг) розилиги билан эгаллаб турган тураржойини алмаштиришга ҳақли. Ижарага берувчи фуқаронинг рад жавоби устидан низолашиб бўлмайди. Ижарага берувчи-юрдик шахсининг рад жавоби устидан суд тартибидан низолашиб мумкин.

Тураржойни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ушбу кодекснинг 69- ва 93-моддаларига назарда тутилган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

**Саволга Шайхонтохур тумани 4-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Толиб УСМОНОВ жавоб берди.**

**Jinoyatga jazo muqarrar**

## Фош бўлган фириб ёки жиноятни такроран қасдан содир этишнинг хуқуқий оқибатлари

Ҳаётда билиб-билмай содир этган жиноий қилмиш учун жазо олган шахс бундан тегишли хулоса чиқариб, тўғри йўлга тушиб олса, яхши. Аксинча, у такроран ёки қасдан янги жиноят содир этса, табиийки, Жиноят кодексининг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат юзага келади. Айтиш керакки, жиноят учун жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолатга алоҳида аҳамият бериш ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлаб қўйилган.

Шермаат Ражабов (исм-фамилиялар ўзгартрилди) Толиб Қоёмов билан йўлда танишиб қолди. Гап орасида Шермаат Тошкентдаги олий ўқув юртини даврига ўқишга қабул қилинган, контракт-шартнома тўловини тўлаш учун уйига келаётганини айтиди. — Яхши йигит экансан, — деди Толиб. — Менга маъқул тушдинг. Тошкентда, Юнусовод туманида уч хонали квартирам бор. Истаган, коммунал тўловларини тўлаб, бир ўзинг яшашинг мумкин. Ижара ҳақи олмайман. Бу таклиф Шермаатга маъқул тушди. Улар бир-бирларига кўл телефони рақамларини бериб, хайрлашибди. Эртаси кун Шермаат келишган жойда Толибни кўтиб олиб, уйига олиб борди. Онани Саломат она билан таништирди. Шермаат онасига Толиб ва унинг уч хонали уйи, унда ижара пули тўламадан яшаши ҳақида гапирди берганди. (Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

DOHOLAP DAVOMI LARQI

Уқиб билмоқ — бошқаларнинг фикри тўғри эканлигини тушунмоқдир.

Нафсини тиймаган кишига илм фойда бермайди.

Бировни бирон айб билан айбламаслик — оқиллик белгиси. Агар киши бировни қачондир айблаб қўйган бўлса, йигирма йилдан кейин бўлса ҳам, жафосини тортади.

Сабаб учун битта энг зарур нарса бор. Бу — оқибатга эга бўлолмайди.

Тов теласидиги қояларни кўчириш миннат эшитиш юкларига нисбатан енгилроқдир.

Тимсоллар тафаккурни безайди, туйғулар эса уни ишонтиради.

Ҳамма нарса бири иккинчисидан келиб чиқади, бири — иккинчисига қайтади.

Мамлакатимизда атроф-муҳит мусавволигини таъминлаш ва барқарор ривожланишга эришиш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ислохотларнинг муҳим йўналишини ташкил этади. Соҳага доир яратилган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар табиат ва инсон муносабатларини тартибга солиш, экологик муҳитни соғломлаштиришда муҳим омил бўлаётир.

Маълумки, табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик қонунчилик ижросини таъминлаш ишлари давлат назоратига олингани Бош қонунимизда белгилаб қўйилган. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 55-моддасида эътироф этилганидек, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумийлик бўлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Зеро, атроф-муҳит мусавво бўлса ва муҳофаза этилса, инсон ҳам, коинотдаги бошқа жонот ва дов-дараклар ҳам тўлақонли ҳаёт кечирилади. Бирок бу борада бугун-




Mulohaza

Она табиатни асраш — бурчимиз

ги кунга келиб айрим глобал муаммолар йўқ эмас. Шу боис атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш масаласи қонунчилик, халқаро конвенция ва шартномалардан ҳам алоҳида ўрин олаётир.

Ўзбекистон бу борада БМТ, ЕХТ билан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиб, бу йўналишда ўнлаб муҳим конвенцияларни ратификация қилди. Экологик тараққиётнинг халқаро, минтақавий муаммоларини ҳал этиш учун барқарор ривожланиш Концепцияси ва Миллий стратегияси, "XXI аср кун тартиби", атроф муҳитни, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, чўлланишга қарши кураш, озон қатламини емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш, парник газлари эмиссиясини камайтириш Миллий стратегияси қабул қилинганлиги фикримизнинг



исботидир. Айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги «2008 — 2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётир.

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, экологик қонунчиликни такомиллаштириш, табиатни муҳофазалаш билан боғлиқ тадбирларда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга доир долзарб вазифалар белгилаб берилган. Бу жараёнда атроф-муҳит муҳофазаси назоратини янада такомиллаштириш, табиий ресурс-

лардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини мустаҳкамлаш, мониторинг кузатувлари ва текширишлар самарадорлигини ошириш, миллий дастур ва лойиҳалар, халқаро конвенциялар бўйича бажарилаётган ишларни мунтазам тарғиб этиш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари мамлакатимизда экологик вазиятни соғломлаштиришга йўналтирилган «Тоза ҳаво» тадбири мунтазам ўтказилмоқда. Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш мақсадидан узлуксиз тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Бу эса, юртимизда экологик мувозанатни барқарорлаштириш, сув, ҳаво, tupроқ мусавволигини таъминлаш, биологик хилма-хилликни муҳофазалашга хизмат қилаётир.

Матлуба МИРЗААБДУЛЛАЕВА, юридик фанлар номзоди

Maslahat

Жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Аввало шуни айтиш керакки, содир бўлган жиноий қилиш оқибатида жабр кўрган шахс Жиноят-процессуал кодексида белгиланган бир қатор ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларга эга бўлади. Жумладан, жабрланувчи судга ва терговга чақирилган тақдирда, албатта, ҳозир бўлиши лозим.

Жиноят-процессуал кодексининг 411-моддасида белгиланган тартибга кўра, агарда жабрланувчи суд мажлисига келмаса, суд жабрланувчининг иштирокисиз ишдаги барча ҳолатларни тўла аниқлаш ҳамда унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мумкин ёки мумкин эмаслигига қараб, жиноят ишини муҳокама қилиш ёки кейинга қолдириш масаласини ҳал этади.

Процессуал тартибга асосан, жабрланувчи суд томонидан суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида олдиндан огоҳлантирилган бўлиши лозим. Жабрланувчи суд мажлисига узарсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда, суд иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда уни мажбурий тартибда судга келтириш ҳақида ажрим чиқариши мумкин.

Шунингдек, судга чақирилган процесс иштирокчиларидан бирортаси (масалан, гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, фуқаровий даъвогар ва бошқалар) келмаган тақдирда, суд жиноят ишини муҳокама қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисида тарафларнинг фикрини эшитади ва муҳокамани давом эттириш ёки уни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Фаррух АБДУРАИМОВ, жиноят ишлари бўйича Фаргона шаҳар судининг судьяси

(Давоми. Бошланиш учинчи бетда)

Саломат опа ўғли ўқишга қабул қилинганга бир кувонган бўлса, ўзини савдо-сотик билан шуғулланувчи тadbиркор деб таништирган Толибдаи кишининг уч хонали уйини ўғлига ишониб, бериб қўяётганига яна бир кувонди. Янги таниш шарафига қуюқ дастурхон ёзишди. Шундай қилиб Шермадат билан Толиб Тошкентга бирга отланадиган бўлишди.

Мирбозор кўргони автошоҳ-бекатида Толиб Шермадатга ёрилди. — Бугун менга унаштирилаётган қизга совға-салом жўнатишяпти, — деди у. — Тошкентдаги уйимда 2000 долларим бор. Ҳозир эса, чўнтак қуруқ. Сен менга қарз бериб турсанг. Қишлоққа қатновчи машина эгасидан пулни уйимга бериб юборардим. Тошкентга борган, пулларингни қайтараман.

Шермадат сира иккиланмай контракт-шартнома тўлови учун уйдан олиб чиққан пулларидан 200 минг сўм пул ва 500 АҚШ долларини Толибга берди. Сўнгра улар Тошкентга жўнашди. Тошкентга етиб келишгач, Толиб «Мен ҳозир» деганча аллақайда қўйиб бўлди. Орадан икки соат ўтса-да, ундан дарак бўлмади. Шермадат унинг кўл телефонига кўра, Жиноят кодекси кўнгириқ қилди, бироқ у ўчирилган эди. Эртаси куни Шермадат ўзи ўқийтган институтга бориб, ўқитувчиларига юз берган воқеани айтиб, жавоб сўради ва Толиб Қаюмовни қидириб унинг қишлоғига йўл олди.

Нихоят, уч кун деганда, у Толибни излаб топди.

— Уша кун жуда зарур ишим қилди қолди, — деди Толиб. — Уч кунда пулларингни қайтараман.

Аммо орадан ойлар ўтса-да, Толиб пулларни қайтармади. Аксинча, қорасини кўрсатмай, аллақайерларда қочиб юрди. Бўвгани сўрасангиз, Т.Қаюмовнинг Юнусобод туманида ҳеч қандай уйи йўқ, бу атай ўйлаб топилган ёлғон эди. Аниқроқ айтганда, Шермадатни «чув» тушириш мақсадида усталик билан қўйилган тузоқ эди. 1981 йилда тўғилган Т.Қаюмов муқаддам Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «в, ж, и, о, п» банд-

Jinoyatga jazo muqarrar

Фош бўлган фириб ёки жиноятни такроран қасдан содир этишнинг ҳуқуқий оқибатлари



лари, Жиноят кодексининг 164-моддаси 4-қисми «а» банди ва бошқа моддалари билан ўта оғир жиноят содир этгани учун суд ҳукми билан қонуний жазога тортилган.

Аммо у бундан тегишли ҳулоса чиқариб олмайди, яна жиноятга қўл урди. Шу боис унга 2010 йил 19 сентябрь куни содир қилган жинояти учун жиноят ишлари бўйича Тошлоқ тумани судининг 2011 йил 8 февралдаги ҳукми билан Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми ва 28, 211-моддаси 1-қисмига кўра, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибда, ҳар ойда иш ҳақининг 20 фоизи давлат фойдасига ундирилган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. У ҳали тайинланган жазонини ўтамасдан туриб Шермадат Ражабовни алдаб, фирибгарлик йўли билан унинг 200 минг сўм пули ва 500 АҚШ долларини қўлга киритган. Бундай ҳолда унинг характери фирибгарлик жиноятини такроран содир этган деб баҳоланади.

Дастлабки тергов томонидан судланувчи Т.Қаюмовнинг ушбу жиноий қилмиши Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми «б» банди билан тўғри малакаланган. Негаки, Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми «б» банди диспозициясида «Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан» фирибгарлик жинояти содир этилган бўлса, жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Судланувчи Т.Қаюмовнинг суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган пайтда қасдан янги жиноят содир этгани айбни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Суд судланувчи Т.Қаюмовга нисбатан жазо тури ва меъри-рини белгилашда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 26-бандига таянди. Жумладан, унда «Озодликдан маҳрум қилиш жазоси жазо тартиқсиз оқибатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, алоҳида ҳолларда эса, судланувчининг шахсини инobatта олган ҳолда ижтимоий хавфи

судланувчи Т.Қаюмовнинг ушбу жиноий қилмиши Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми «б» бандига кўра, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ тумани судининг 2011 йил 8 февралдаги ҳукми билан тайинланган икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қўшиш йўли билан қатъий ўташ учун уч йил уч ой муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқарди.

Бундан ташқари судланувчидан жабрланувчи фойдасига 1 миллион 13 минг 150 сўм етказилган моддий зарарни ундириш ҳукмида кўрсатилди.

Хулоса ўрнида айтганда, Толиб Қаюмов биринчи марта содир этган жиноятдан тегишли ҳулоса чиқариб, тўғри йўлга тушиш олганида, фирибгарликни ўзига қасб қилмаганида, тақдирга бу битиклар ёзилмасди.

Илбс ДОНИЕРОВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг ходими Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, «Куч — адолатда» мухбири

Инсон бошқа жонли мавжудотлардан тили, ақл-фаросати ва хотираси билан фарқ қилади. Ушбу мавзуда фикр юритганда шуни айтиш керакки, инсон хотирасининг шу қадар катта имкониятлари мавжудки, киши дафъатан ҳайратга тушади. Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, хотира нима ўзи? Биз бу тўғрисида нималарни биламиз?

G'aroyib olam

Хотира фаройиботлари

Кундалик турмушда одатда, «хотира» сўзидан кўра «эс», «ёд» сўзлари кўпроқ қўлланилади. Киши бирон-бир нарсани унутган тақдирда «эсимдан чиқибди», «ёдимдан кўтарилибди» дейди афсус оҳангда. Қаттиқ кўрққан, довдираб қолган одам «эсим (эсхонам) чиқиб кетди» дейди.

Бирок ҳарқалай, хотира нима ўзи? У шунчаки эслаб қолиш қобилиятими? Унда нега хотира бировда кучли, бошқа бировда эса заифроқ бўлади? Демак, у каби турли хил одамда ҳар хил даражада намоён бўладими?

Айтиш керакки, замонавий илм-фан онглилик, тафаккур даражаси миянинг ҳажмига боғлиқ эмаслигини исботлаб берди. Бундан хотиранинг кучи ҳам мияга алоқадор эмас, деган фикр келиб чиқадими? Унда ёддан яшн тезлигида ҳисобловчи одамларни, ўнлаб ва ҳатто юзлаб тилларни билувчи кишиларни қандай тушуниш керак? Улар шунча нарсани хотирасига қай тарзда сиғдира олади? Хўш, бундай ҳайратомуз қобилият туғма бўладими, бирон-бир сабаб билан ўз-ўзидан вужудга келадими ёки бу махсус тайёрларли самарасими?

Газетамизда инсон ва унинг хотираси, хусусан, буюк инсонларнинг қувваи ҳофизаси қай даражада кучли бўлганига доир фаройиб маълумотлар, ақл бовар қилмас воқеа-ҳодисалар ҳамда хотирани мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар ишлаб чиққан тавсия, йўл-йўриқлар ҳақида давомли ҳикоя қиламиз. Уйлаймизки, ушбу ҳаётий ҳикоятлар сизни бефарқ қолдирмайди.


Машҳур математик ва кибернетик олим фон Нейман ўтган асрнинг 80-йиллари бошида ҳайратланарли бир илмий янгиликни эълон қилди. Маълум бўлишича, инсон хотираси миллионлаб китоблардаги маълумотларни ўзидан сақлаб қолиш имкониятига эга экан.

Бу янгиликнинг дафъатан моҳиятини англаш мушкул, албатта. Чунки биз авваламбор, «миллион» деган сўзнинг маъносини тугал англаб етолмаймиз. Илмий-оммабоп адабиёт бўйича мутахассислар шунга ҳам эсда қоларли қиёслар ўйлаб топшибди. Масалан, миллионта одам ёнма-ён турса, нақ Ойга етиб борар экан. Ёки милот бошланганидан буён ҳали миллион кун ҳам ўтмабди...

«Миллион» деган сўз оғзимизнинг бир чеккасидан чиқиб каттаверадиди, чунки унинг салмоғи, моҳиятини етарлича англай олмаймиз.

Бирок олим инсон хотираси миллионлаб китоблардаги маълумотларни сақлаб қолишдек қобилиятга эга, дея таъкидламоқда. Бунга дабдурдудан ишонши қийин, албатта. Лекин қуйидаги мисоллар билан танишиб чиққандан сўн эҳтимол, сиз ҳам бу фикрга қўшиларсиз.

Фақат шуни ёдингизда тутиш, мазкур мисоллар инсоният тарихининг турли даврларида турли мамлакатларда яшаб ўтган таниқли кишиларнинг ҳаётига тааллуқлидир.



Тарихий манбаларнинг шохидлик беришгач, Юлий Цезар билан Александр Македонский ўз қўшинидаги барча аскар — 30 минггача бўлган одамнинг ҳар бирини таниган ва исмини билган.

Қадимги дунёнинг машҳур кишиларидан Фемистокл Юнонистон пойтахтида яшовчи 20 минг нафар аҳолидан ҳар бирини таниган ва исмини билган. Файласуф Сенека эса ўзи атиги бир марта эшитган, аммо бир-бири билан мулоқо алоқаси бўлмаган 2000 та сўзни такрорлаб айтиш қобилиятига эга бўлган.

Буюк математик Леонард Эйлернинг қувваи ҳофизаси сонларга нисбатан айниқса, кучли эди. У масалан, юзгача бўлган барча сонларнинг олти дастлабки даражаларини ёддан билиши билан атрофдагиларни ҳайратга солган. Академик А. Иоффе логарифмлар жадвали ёддан билган. Бошқа бир таниқли олим, академик С. Чаплигининг хотира қудратига эса, умуман ақл бовар қилмайди. У беш йил муқаддам тасодифан бор-йўғи бир мартагина кўнгирик қилган кишининг телефон рақамини хатосиз айтиб бера олган.

Юқорида келтирилган мисолларни ҳаёдан ўтказиб туриб, кучли хотира фақат буюк шахсларга хос эканда, деган ҳаёлга борманг. Оддий одамлар ҳам бу борада улардан қолишмайди. Зотан, уларнинг мияси ҳам умр мобайнида миллионлаб воқеа-ҳодисалар, таассуротларни қайд этади; хотираларнинг айнан шу тарзда жамлануви эса инсоннинг ақл-идрок чегараларини янада кенгайтиради.

Шу ўринда инсон хотираси ҳақида фикр юритарканмиз, шундай ҳақли савол туғилади: хўш, хотира инсон таниқнинг қаерида жойлашган — онг (сознание)дами ёки ботиний онг (подсознание)дами? Кундалик ҳаётда онг одамга кучли таъсир кўрсатган нарсаларни эслаб қолади. Ботиний онг эса инсон ҳаётини бошдан-оёқ — туғилганидан бошлаб бутун умри мобайнида кечган жамми воқеа-ҳодисалар, гап-сўз, хилма-хил таассуротлар — ҳамма-ҳаммасини эслаб қоладиғанга ўхшайди.

(Давоми келгуси сонда) Т. КАМОЛОВ, кимё фанлар номзоди

Куч — адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ Олимжон ИСМАИЛОВ Шерали РАХМОНОВ Мавжуда РАЖАБОВА Нуриддинжон ИСМОИЛОВ Зарифжон МИРЗАКУЛОВ Муҳаммад АЛИ Омонбой ОҚУЛОВ Холмўмин ЁДГОРОВ Дилбар СУЮНОВА Юлчибой ТУРСУНБЕКОВ Шоюнон ФУЗИЕВ Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир

Отабек САФАРОВ Саҳифаловчи Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Манзиллимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru Тел.: 239-02-54, 239-02-55 Буюртма: Г-1116. Қўроғ бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда. Адади: 5764. 1 2 3 4 5 Тошчириш вақти: 20:00 Тошчирилди: 21:00